

ЭЗГУЛИКНИ КҮЙЛОВЧИ ШЕЪРИЯТ

Бекпошиша Раҳимова,

филология фанлари номзоди, доцент, УрДУ

Аннотация: Мазкур маколада ўзбек адабиётининг етук вакилларидан бири, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими Матназар Абдулҳаким ижодий мероси, шеъриятидаги асосий мавзулар, шоирнинг ижтимоий-эстетик қарашлари таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: шеърият, донишманд шоир, лирик қаҳрамон, адабиётшунос, публицист, ижод эркинлиги, бадиият, образ, пейзаж.

Замонавий ўзбек адабиётининг етук вакилларидан бири, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими Матназар Абдулҳаким (1948-2010) адабиётга ўтган асрнинг 70-йиллар бошида кириб келди. Бу даврда жамиятда ва бадиий ижодда янгича муносабатлар, ижтимоий-эстетик қарашлар, ўзликни англаш, ҳақ сўзни айтиш, эркин фикрлаш, рух ва миллий ғуурни англашда ўзгача идрок ҳисси шакллана борди, умуман дунёқараашда уйғоқлик нишоналари кўрина бошланди. Адабиётда ижобий ўзгаришлар ва янгича тамойилларнинг илк намуналарини Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар бошлаб бердилар ва бадиий тафаккурда хаққонийлик, ҳаёт ҳақиқатини дадил эътироф этиш туйғусини чуқурлаштиргилар. Матназар Абдулҳаким ўз тенгдошлари Шавкат Раҳмон ва Рауф Парфи билан ана шу эврилиш, эстетик англашнинг Янгиланиш жараёнига қўшилди ва бу бошламага ўз ҳиссасини қўша борди.

Ўзбек адабиётшунослигига юқорида номлари тилга олинган ижодкорлар бир авлод вакиллари, ҳамфир шоирлар деб эътироф қилинади. Бу ҳақиқатнинг муғим бир жиҳати ҳам бор: умумий муштараклик, бирдамликдан ташқари ҳар бир шоирнинг ижодий қредоси, индивидуал, бетакор услугуби, ўзига хос қашф этиш маҳоратидир. Бу жиҳатдан Матназар Абдулҳаким кўп қиррали ижод соҳиби эканлиги билан ажralиб туради: 1) шоир; 2) адабиётшунос-публицист; 3) таржимон.

Эътиборга лойиқ яна бир жиҳат шундаки, адабиётшунослик бу йўналишларнинг ҳар биридаги юксак истеъдод ва фалсафий-интеллектуал ёндашувни ҳисобга олиб, Матназар Абдулҳаким яқдиллик билан “донишманд шоир” дея тан олинди, бетакор феномен сифатида баҳоланди.

Матназар Абдулҳаким адабий мероси бадиий, илмий-оммабоп ва тадқиқот характеридаги асарлар бўлиб, улар жами 32 китобдан иборат. Уларнинг асосий қисми шоир шеърияти ва таржима асарлариdir. Бу асарларни шартли равишда қўйидагича гурухлаш мумкин:

Тўпламлар: “Тиник тонглар” (1982), “Фасллар қўшифт” (1984)б “Қор қўшифи” (1986), “Мавж” (1991), “Ёнимдаги дарёлар” (1993), “Қорачикдаги дунё” (1995), “Ойдинлик” (1997), “Бир кучоқ гул” (1997), “Ёлғиз япроқ” (1999), “Азизлар анжумани” (2008);

Сайланмалар: “Жавзо ташрифи” (2008), “Кўприк” (2009);

Танланган асарлар: I-II жиллар (2017). “Сайланма” ва “Танланган асарлар”и таркибига шеърлар, достон ва туркумлар киритилган. Шоир шеърлари жанр жиҳатидан ҳам ранг-баранг бўлиб, ғазал, тўртлик, мухаммас, масаддас, достон, сонет ва бошқалардан иборат.

Матназар Абдулҳаким ҳаёт ва ижод йўли икки аср чорраҳасида, икки ижтимоий тузум – шўровий ва мустақиллик шароитида кечди. Шуни инобатга олган ҳолда шоирнинг ижодини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин: илк изланиш, ижод сирларини эгаллаш ва шаклланиш даври (1970-1980); китоблари нашр қилингандан кейинги шоир сифатида танила бошлаган даври (1980-1990 йиллар); ижодий камолот даври (1991-2010) йиллар. Табиийки, учинчи босқич шоир ижодининг янги, юқори чўққиси бўлди. Шоир вафотидан кейинги даврларда унинг дафтарларида қолиб кетган “Юрак”, “Талабалик – олтин даврdir”, “Ростгўй шоир” сарлавҳали шеърлари ва “Дўст дўстнинг эътиқод-иймонидир”, “Менга дилдор ёр эдинг бир вақтлари” матлали ғазаллари турли нашрларда чоп этилди ва шоирнинг умумий мероси мундарижасини кенгайтирди.

Шоирнинг 1982 йилда “Тиник тонглар” номи билан чоп этилган илк тўпламидаги шеърлар унинг ўзига хослиги, воқеликни бадиий қашф этиш салоҳияти борлигини қўрсатди ва катта ижод майдонига бошлади. Шоирнинг дастлабки “Фасллар қўшиғи”, “Мавж”, “Қор қўшиғи” “Ёнимдаги дарёлар”, “Қорачигдаги дунё”, “Ойдинлик”, “Бир қужоқ гул”, “Ёлғиз япроқ” шеърий тўпламларини 90-йиллар ўзбек лирикасининг катта ютуқлари сифатида баҳолаш мумкин. Матназар Абдулҳаким лирикасининг мавзуу доираси нихоятда кенг ва кўламли, шакл жихатдан ранг-баранг бўлиб, аruz ва анъанавий бармоқ вазнида ёзилган шеърлардан иборатdir. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шундай эътироф этади: “бир учрашувда Матназар Абдулҳаким ҳам шеърларидан ўқиди. Ундан яна шеър ўқишни сўрадик. Чунки у шеърлар илохий китобимиз Қуръонда талаф қилинганидек ҳикмат” эди¹. Қаҳрамон шоирнинг бу юксак баҳоси Матназар Абдулҳакимнинг ҳам аruz, ҳам бармоқ вазнларида шеърларига даҳлдордир. Ҳақиқатан ҳам, Матназар Абдулҳакимнинг теран фалсафий-ижтимоий қарашлари, ибратору з ҳикматли фикрлари турфа шеърий шаклларда турли миқёс ва даражада акс этса ҳам уларда муаллифнинг ўзига хос поэтик нигоҳи, бадиий тафаккур таровати қабариб туради. Шоир нигоҳи ўткир, воқеликдан чуқур ҳаётий поэтик маъно топа билади ва уни гўзал ифодалай олади. Зеро, “Шеър жўн гапнинг жўнгина баёни эмас. Шеър теран фикру туйғуларнинг образли ифодаси”dir². Шоир куйидаги тўртликда ёзади:

Ҳаста рухда меҳрим соғ бўлиб ўсади,
Бир дўст топсан кўнглим тоғ бўлиб ўсади.
Бошимда чақилган данаклар эса
Менинг юрагимда боғ бўлиб ўсади.

Қалби эзгуликка ошуфта инсон ҳаётда ҳамма нарсада яхшилик, гўзаллик, мусаффолик, поклик ва беғуборлик кўра олади. Аёнки, инсон ўз фалсафаси билан тирик. У дунёни ўз-ўзича теран англаш ва қашф этиши билан буюклик касб этади. Бир дўст топса кўнгли тоғдек ўсадиган лирик қаҳрамон бу дунё ва ҳаёт моҳиятини чуқур фалсафий идрок эта олади. “Бошида чақилган данаклар” алал оқибат унинг юрагида “боғ бўлиб” ўсади, бу оламда барча ўткинчи нарсалар орасидан зиё, нур топа олади. Шеърдаги қамровли поэтик маъно, содда ва равон услугуб, теран нигоҳ ва фалсафий идрокнинг синтезидир. Барча мавзулардаги шеърларда инсон маънавий олами ва ижтимоий-эстетик муаммолар тасвирида фикр ва кечинмалар силсиласининг рангин бадиий бўёқдорлигидаги бетакрорлик Матназар Абдулҳаким шеъриятининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Шоир лирикасида Одам ва Оламни шеърият кўзи билан кўриш, ҳаётнинг бошқаларга пинҳон нуқталарини топа олиш ва салмоқдор поэтик маънолар чиқара олиш хусусияти алоҳида бўртиб туради. Айниқса, шоир шеъриятида метафора (истиора) яъни мазмуни кенг оммалашган рамзлар ва улар асосида вужудга келган поэтик маъноларининг турли талқинлари мавжуд.

Матназар Абдулҳакимнинг “Бехи”, “Ўгит”, “Шайтон”, “Қор”, “Мева”, “Мажнунтоллар”, “Соат”, “Қўнғироқ”, “Қалдирғоч” каби қатор шеърларида истиоравий талқиннинг энг гўзал намуналарини кузатамиз. “Дарахтзор” шеърида шоир ёзади:

Ажиб салтанатдир дарахтзор,
Ҳар бир япроқ – бебаҳо давлат.
Бунда бирор мева тўқади,
Бирор эса тўқади..... савлат³.

Маълумки, дарахт инсон тимсолига қиёсланади. Аввало, одам худди дарахт каби шу замин фарзанди, у дарахт каби ердан оёғини узиб кетолмайди. Табиат қонунлари асосида яшашга маҳкум. Зеро унга жуда катта имкониятлар берилган бўлса-да, у яратгувчи томонидан яратилган энг олий хилқат эса-да, у барibir ожиз банда эканлиги аёндир.

Матназар Абдулҳакимнинг нигоҳи ўткир, ҳаётни кучли поэтик идрок этади ва теран англайди. Бу ажиб дунёни дарахтзор мисол тасаввур этган шоир Одам ва Олам ҳақидаги қарашларини тўрт мисрада мухтасар баён қиласди. Дарахтзор ичидаги ҳар бир дарахт, наинки дарахт, балки ҳар бир япроқ “бебаҳо

¹ Орипов А. Теран ижод// Матназар Абдулҳакимни эслаб. Мақолалар. Хотиралар. Тошкент. LESSON PRESS.2017. Б.3.

² Ҳаққулов И. Мушоҳада ёғдуси. – Тошкент. “Фан” нашриёти, 2009. –Б.37.

³ Матназар Абдулҳаким. Ёлғиз япроқ. “Хоразм” нашриёти, 1999. –Б.8.

давлат”, Оллохнинг яратиғидир. Инсон яралибдики, эзгуликлар ва ёвузликлар ичра яшайди, яхши-ёмон ишлар қиласи, ўзидан из қолдиради. Бу дунёга келиб кимлардир “мева тўқади”, кимлар эса “савлат тўқиб” ҳаёт кечиради. Шоир дараҳтни тимсол сифатида инсонга қиёслар экан, лирик қаҳрамонга берилган имкониятдан тўла фойдаланишини истайди. Яъни у сокин дараҳтга айланишини эмас, балки руҳи озод ва юксак парвоз истовчи қуш бўлиб яшашни, осмоний орзуларга эришишини истайди.

Матназар Абдулҳакимнинг ”Бехи“ шеъри бир қарашда оддий, шунчаки ёр васфини қуйлашга сабаб бўлган бир жуфт беҳи тавсифига бағишлиланганга ўхшайди.

Бир жуфт беҳи келтирган эдинг,
Бир-биридан хушбўй, муаттар.

Мен уларни ғоят соғиндим,
Ва сарғайдим беҳидан баттар.

Шоир ёр келтирган бир жуфт беҳи тимсолида катта ҳаётий маъно топади: беҳи муҳаббатли умр рамзи, унинг сариқ ранги - ишқ изтироби, жуфтлиги- дийдорлашув, меваси эса эзгу мурод ҳосилидир. Мавзу, образ, бадиият ва ифода ранг-баранглигига асосланиш, оригинал бадиий умумлашмаларга кела олиш донишманд шоир лирикасининг асосий хусусиятларидан саналади. Умуман, Матназар Абдулҳаким шеърияти замонавий ўзбек адабиётида тобора янгиланаётган адабий-эстетик тафаккур ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани билан янада аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Орипов А. Теран ижод// Матназар Абдулҳакимни эслаб. Мақолалар. Хотиралар. Тошкент. LESSON PRESS.2017. Б.3.
- 2.Ҳақкулов И. Мушоҳада ёғдуси. – Тошкент. “Фан” нашриёти, 2009. –Б.37.
- 3.Матназар Абдулҳаким. Ёлғиз япроқ. “Хоразм” нашриёти, 1999. –Б.8.